

## ЎҚУВЧИЛАРДА СТРЕСС: УНИ ЕНГИШ ЙЎЛЛАРИ

Хазратова Дилбар Тошкенбай кизи

Жizzах вилояти Фориш тумани 12-мактаби амалиётчи психологи

Биз кундалик хаётимиз давомида турли хил вазиятларга, яхши ва ёмон реакцияларга дуч келамиз. Бундай вазиятлар ураб турган оламилизни тез узгариши туфайли содир булади. Инсон хаётидаги бундай узгаришлар стресс вазиятлар дейилади. Стресс вазиятларга факатгина иш юзасидан катталаргина тушади деб булмайди. Болалар кундалик хаётлари давомида стресс вазиятларга тез - тез тушиб турадилар.

Стресс болани атроф - мухитдаги узгаришлардан ахамиятсиз тарзда химоя килади. Бундай узгаришлар вактинчалик булиб, бола атроф - мухитга мослашгандан сунг кайта тикланади.

Болада стрессга тушишига сабаб қилиб уч вазият кўрсатилади:

1. Мактаб. Кўпчилик болалар мактабга қадам қўйишигач, уларда стресс юзага келади. Бу стресснинг номи мактаб фобия, содда қилиб айтганда ваҳима деб юритилади. Биринчи ўринда кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқитувчидан ва баҳодан қўрқиш туради. Баҳо боладаги муҳаббатни ўлдиради, чунки бола йигиладиган балига қараб баҳоланади. Шунинг учун қийин фанларда болани боши оғрийди, қон босими қўтарилади. Ўсмирлик давридан олдин болаларда тенгдошлари томонидан масхара ва мазах килиниш қийин кечади.

Буларнинг барчаси жавоб сифатида яна агрессия актив ҳолатга киришади. Бу ҳолат асосан 10 ёшгacha бўлган боллаларда, баъзида тенгдашлари билан келишолмайдиган ўсмирларда ҳам учраб туради. Баъзида ўта ҳаяжонга берилган болалар нерв ҳолатларга паришонҳотирлик, дикқатни жамлай олмаслик билан жавоб қайтарадилар.

Бундай ҳолатларда болага қаттиқўллик қилиш ишни оғирлаштиради. Сабабини ўрганмасдан туриб, паришонҳотирлар билан курашиш бефойда. Агар бола билан ишончли мулоқотдан кейин ҳам уни бу стрессдан чиқазилмаса психолог консультантга мурожаат қилиш лозим.

Кўпчилик ёмон оиласарда болалар билан мулоқот ёмонлиги туфайли, бу болалар “стрессга мойил” болалар дейилади. Оиласада меҳр, муҳаббат, қўллаб – қувватлаш кабилар билан тўйинган болалар ўзларига ишонадилар ва мактабдаги баҳолари ҳам, ўзларини тутишлари ҳам ҳимояга муҳтоҷ эмасликларидан далолат беради. Бола баҳосининг паст бўлиши бу фақатгина мактабга боғлиқ бўлмай, балки оила мухитига ҳам боғлиқ бўлади.

2. Оиласавий низолар. Маълумки, баҳтсиз оиласарда бола соғлиғида ва ўзини тутишида яхши вазиятни кўриш қийин. Агар бола шамоллашдан тузалмаса, бу боланинг оиласавий шароити яхши эмаслигадан далолат. Актив болалар уйдаги жанжаллардан қўпол, иккичи, қулоқсиз ёки истерик бўлиб қолишади, бошқалари эса, тинч ва ўқишлари билан банд, бирорвга қаршилик кўрсатмайдиган бўлиб қолишади. Ўзгариш тинч ва сезилмас даражада кечади. Лекин эътиборли ота оналар буни пайқашади.

Бундай холларда ота – оналар сездирмасликлари, худди ҳеч нарса бўлмагандек ўзларини тутишлари лозим. Лекин агар она ҳавотирда бўлса албатта болалар буни сезишади. Чунки онага ёмон бўлса, болага ҳам худди шундай.

3. Ўсмирлик даври. Маълумки ўсмирлик инкирози "мен" ликни кидириш билан боғлиқ булиб, гармонал узгаришлар билан утади ва стрессиз бу даврни куриш мумкин эмас. Бу

албатта нормал холат хисобланади. Бу давр нега кийин давр хисобланади. Чунки, улар хаетнинг фожиали томонини кура бошлашади.

Бунда усмирлар кечкуринги хаетга, баланд овозли мусикаларни эшитиш, катталар хаети билан курашиш, елгизликка кетиш, уша агрессия - бу улар наздида стрессдан кутилишнинг йули булиб хисобланади. Бунда купинча мусика тинглаш оркали яқинлари орасидаги муаммодан кочади.

Бундай вазиятда стрессдан болани халос килишда унинг ота - онасиға boglik булади. Агарда оиласида ота - она болага эътибор бермай, уни камситаверсалар бола 13 ешли даврагидек колиб кетади. Агарда бола узини кабул кила олмаса ва узини сева олмаса, бутун хаети давомида узига нисбатан баҳонинг пастлиги туфайли куп муаммоларга дуч келишидан кийналади. Болага бундай даврда доим этиборли булиш лозим, у виртуал дунега камалмадими, узидан кетмадими? кабиларни кузатиш лозим.

Ўсмир ҳаётининг яна бир муҳим омилларидан бири бу унинг бўш вақти хисобланади. Ҳозирги замонда болалар ўз бўш вақтларини қандай ўтказишни билмайдилар. Хамма бўш вақтларини компьютер ўйинлари ва интернетларга сарфлайдилар. Бундай шароитда улар янги дўстлар ортиришдан, улар билан мулоқотга киришишдан ўзлари билмаган ҳолда маҳрум бўладилар. Бундай вазиятларда уларга қизиқарли бўлган хобби танлаб бериш ўринли бўлади. Болага ўзига қизиқ бўлмаган машғулотлар (мусиқа мактаби, балл рақслари ва шунга ўхшаш) танлаб беришдан йироқ булиш лозим. Бола ўзи нима билан шуғулланиши ҳоҳласа, шуни танлаши ва бунда ота – оналар уни тўғри қарорга чорлаши ва унга ёрдам бериши лозим.

Яна бир Ўсмир учун муҳим ва жиддий қийинчилик бу бола оиласининг моддий қийналганлиги ва етишмовчилик хисобланади. Уйга келганда маст ота кутиб олиши, ейишга овқатнинг баъзида бор ёки йўқлиги, ҳар кунги калтакланиш ва сўкишишлар бола руҳиятига ўта салбий таъсир кўрсатади. Яна бир бола ҳаётидаги стресс вазиятлардан бири бу жинсий малакаларнинг етишмаслиги хисобланади. Ўсмирлик даврига келиб бола ўз танасини ўрганади. Кўпинча ўсмирлар хато ва нотўғри йўлдан бориб бу масалага бошқача назар билан қарашади. Бундай нотўғри эгалланган малака болани омадсизликка олиб боради. Бундай даврда болалар кўпинча ўз тенгдошлари томонидан кулги ва ҳақоротга дуч келадилар. Бундай вазиятларда болалар ўз қобиғларига ўралиб олишга маҳкум бўлиб қоладилар. Лекин бу вазиятдан қутилишларига уларнинг яқинлари яқиндан ёрдам берадилар. Болаларни стресс вазиятлардан химоя килиш ута муҳим хисобланади.

Боладаги стрессни енгиш йўлларини куйидаги пагоналарга ажратиш мумкин:

- Болани авваламбор биринчи стресс вазиятга тушишдан асраш лозим.
- Болани ўзини тинчлантириш техникасига ўргатиш. Унга оддийроқ бўлган релаксация жараёнларидан бирини кўрсатиш мумкин. Масалан, чукур нафас олиш;
- Бола ўзини безовта қилаётган нарсаларини бемалол очиқ айтишига йўл қўйинг ва хеч қаҷон уни устидан кулманг. Кўрқаётган нарсасидан ҳалос бўлишига ёрдам беринг;
- Болага кўпроқ кулишни ўргатиш керак, чунки кулги стрессни чиқариб юборади.
- Агарда болада қандайдир ноқулайлик сезилса, секингина ўзига бу хақида айтиш ва уни нима қийнаётганини билиб олиш мумкин.
- Бола купинча ўз ҳиссиётини бошқара олмайди. Шунинг учун унга ёмонлик,

---

ҳайратланиш, қўполлик ва бошқалани бошқаришни ўргатиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда болалардаги стресс вазият бутун бир ҳаётининг қандай кечишини белгилаб берувчи вазият. Чунки боланинг стресс вазиятга тушиши унинг соғлиғига, кайфиятига, атрофдагилар билан мулоқотига, яқинларининг қайғуришига, ўқишига, меҳнат фаолитига ҳам таъсир қиласи. Болани стресс вазиятдан чиқаришда ва уни олдини олишда албатта унга ота – онаси, яқинлари, тарбиячи ва ўқитувчилари ёрдам бериши мухим.